



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 11 июнь, № 21 (214) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига

ВАТАН — МЕН, МЕН — ВАТАН

Хўш, инсон зоти ҳамиша улуглаб, жондан зиёд севиб, бир ҳовуқ тупроғини ҳам қўзғалади тўғиб айлайдиган муқаддас ВАТАН асли нима? У қардан бошланиб, қарда тугайди? Унинг сарҳадлари борми? Бу ва бошқа шунга ўхшаш саволларга ҳар ким ҳар хил жавоб берса не ажаб. Лекин каминанинг фикрича Ватан — мен, мен — Ватан. Бу тушунча илк қараганда эриш туғилиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам менинг Ватан ҳақидаги тушунчам ўзгармас, боқийдир. Нечунки, фикри оғизимча, у аини ҳақиқат.

Ватан шу ерда азал-азалдан яшайтган, шу тупроқ неъматлари ҳисобига озиклибди, умри тугаган эса яна шу тупроққа қоришиб кетайтган халқдир. Шундай экан, ўз жисмида қандай парвариш қилсақ, унинг озода, гузал бўлиши учун қайғурсак Ватанга ҳам худди шундай муносабатда бўлмоғимиз, уни ёт галамислар тажовуздан асрашимиз, истиқлолни ҳимоя қилмоғимиз, мустақамлашимиз лозим.

Инсон ўз Ватанини севгани, ўзини севгани, ўзини севгани эса Ватанини севгани. Негаки унинг ўзи ҳам Ватандир. Ватан эса халқдир. Киши ўз жисмини ҳар қандай бало-қазодан ҳимоя қилиши инстинкт бўлганидек Ватанини, унинг жонли куриниши бўлган халқини севиши, уни ҳимоя қилиши ҳам табиийдир.

Инсон улғайгани, шури уса бошлагани сари Ватан сўзининг сарҳадлари кенгай боради. Ҳали туғилмаган чақалоқ учун Ватан онанинг қорни, туғилганидан кейин эса уйи. Инсоннинг тафаккури уса бориши билан Ватан тушунчаси яшаб турган маҳалласи, қишлоғи, шаҳри, вилояти ва нҳоят Республикаси даражасигача етади. Демак, биз учун Ватан жонажон Ўзбекистонимиздир.

Нега шундай? Сабаби, бизнинг киндик қонимиз туқилган юрт шу ер бўлгани учунми? Йўқ, кишининг киндик қони туқилган ер унинг ватанидир, деган ҳикматни тўла ҳақиқат сифатида қабул қилмоқ ноҳозирдир. Негаки кишининг киндик қони туқилган ер доимо ҳам Ватан бўлавермайди. Ватан у ёки бу миллатнинг ўтмиш авлодлари яшаган жисми тупроғига қоришиб кетган макондир. Агар мен — бир ўзбек фарзанди тақдир тақозоси билан Японияда туғилган бўлсам кейин шунга асосланиб «Япония менинг Ватаним» дейишим мантиқсизлиқдир. Япония уша мамлакатда қадим-қадимдан яшаб келатган японларнинг Ватани. Бошқа ҳеч кимнинг эмас! Шунингдек, Россия русларнинг, Франция французларнинг, Польша полякларнинг Ватанидир. Шунинг учун ҳам у юртлар уша миллатларнинг номи билан аталади. Биз ўзбеклар ҳам Ватанимизнинг Ўзбекистон деб аталишидан фойдаланамиз. Уни «ўхшаши йўқ бустон» деб таърифлаймиз, қадраймиз. Айниқса, юртимиз истиқлолни қўлга киритган Ватан туйғусию миллий гуруҳимиз ошди, кундан кунга янада ривож топмоқда.

Аммо инсон зотида Ватан тушунчаси табиий равишда пайдо бўлаверди деб, она юртга бўлган муҳаббат туйғусининг шаклланишига бефарқ қараб бўлмайди. Бу туйғуни ёшларда юзага келтириш ва устириш қанчалик керак бўлса, катталарда бу борадаги шахсий намуна шунчалик зарурдир. Катта ёшдагилар Ватанини қандай севиш лозимлигини ёшлар ўз ўнгидан намоиш қилмоқлари мажбурийдир. Токи ҳали дунёқараш шаклланимаган ёш авлод уларга эргашиш, ибрат олсин! Бу борада айниқса раҳбар ходимларнинг бурч ва масъулиятлари улғуйди.

Раҳбар фақат сўзлагани эмас, «Мен халқим учун жонимни тикканман» деб шунга яраша яшаб ишлайтган Президентимиз каби амалда ҳам юсак ватанпарварлик, миллатпарварлик намуналарини курсатиши лозим. Ватанию, унинг табиати, миллатию, унинг турмуш тарзи билан фойдаланиш шарт.

Ватанга муҳаббат, она-халққа ҳурмату фидойилик ҳар бир инсон учун энг олийжаноб фазилат. Бусиз инсон ҳеч қачон ҳақиқий одам бўлмайди. Бунини нафақат раҳбар қадрлар, балки ҳар бир оила бошлиғи, айниқса, ота-оналар яшши тушунмоқлари ва фарзандлари тарбиясида уни бош мезон деб билмоқлари шарт. Ёш авлод «Мен — Ватан, Ватан — мен» деган тушунчани чуқур идрок этиб, бутун умри мобайнида шу улғу гоя асосида яшаши керак. Яъни, у она-юртидаги ҳар бир гўёҳ, ҳар бир иморат, оқар сувлари тоғу-тошларга «буларнинг бари меники» деб қараш, ўзини уларнинг бир қисми деб тушуниши зарур.

Демак, халқимиз ва шу халқимизга мансуб ҳар бир шахс яхлит бир Ватан — Ўзбекистондан иборат бўлиб, унинг тупроғи ўтган ва келажак авлодларимиз, ота-она, она-сингил, ака-укаларимиз, ўзимиздир. Зеро шунинг:

Юртим, сенда экан насибам тугал,
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен онам, сен синглим, ёримсан азал,
Эй жоним, жаҳоним, Ўзбекистоним!

деганида минг бор ҳақ.

Айни кунларда қутлуг 8 йиллигини нишонлашга ҳозирлик қилинган жонажон истиқлолимизни қадрайишимиз, уни қўз қорачигидай асраб, кундан кунга мустақамлашимизга эришмоғимиз биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Негаки фақат истиқлол туғайлигини биз ўз-ўзимизни англадик, миллий қадриятларимизни тикладик. Эркин, ҳур бўлдик. Жаҳон халқлари билан тенг мулоқотда қолиш шарафига муяссар бўлдик. Бир сўз билан айтганда ўзгаларга тобелик, қуликдан қутилиб, ўзига хон, ўзига бек ЎЗБЕК бўлдик!

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ҳар биримиз ўзимизни Ватан, яъни Ўзбекистон дейишдек шарафли ҳуқуққа эгамиз. Шундай экан, ана шу қутлуг номга яраша бўлайлик. Ҳар бир ҳатти-ҳаракатимиз, қолдирган изимиз юртимизни оламга танитган Навоий, Бегун, Улугбек, Амир Темур, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, Жаҳон отин ва бошқа қўллаб-қувватловчиларимизнинг онанхонларимиз аъналарига мувофиқ бўлсин.

Мурод УЛУГОВ.

Бўлажак сайловлар арафасида

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЎРГАНИЛДИ

Маълумки, Мустақил Ўзбекистонимиз шу кунларда муҳим сайловлар арафасида турибди. Бу сафарги сайловлар аввалги сайловлардан фарқли ўлароқ янада кўппартиявийлик асосидан ўтказилади, бунда демократиянинг бош талаби бўлиши эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Биз сайловлар тўғрисида сўз юритар эканмиз муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган интервьюсидаги қуйидаги пурмаъно сўзларига алоҳида аҳамият бермоғимиз лозим бўлади:

— Бизда эркин сайловлар ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган бўлса-да, у ҳали етарли даражада эмас, — дедилар юртбошимиз ўз интервьюларида. — Чунки, ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмларига эга. Демакки, бизнинг жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонунларимизнинг моҳиятига тегаран кириб боришимиз тақозо этилади.

Шу нуктаи-назардан келиб чиқиб, кўни-кеча Андижон вилояти ҳокимлигида Конрад Аденауэр фонди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий асослари, уларнинг оммавий ахборот воситаларида еритилишига бағишланган «Ўзбекистон сайловлар арафасида» мавзусидаги уч кунлик семинар бўлиб ўтди.

Семинар ишида иштирок этган оммавий ахборот воситалари журналистлари, вилоятдаги сиёсий партиялар, «Халқ билгилари» ҳаракати вакиллари, Аденауэр фонди дустлари клубининг аъзолари, ёшлар, юристлар ва бошқаларни вилоят ҳокимининг уринбосари Р. Тиллабоев, Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон бўйича минтақавий

мухтор вакили Вольфганг Шрайбер жаноблари қизгин табриклашиб, уларни семинарнинг асосий мақсад ва йўналишлари билан таништирдилар.

Уч кунлик семинар дастурининг амалга оширилиши ва қўзланган мақсадга эришилишига Конрад Аденауэр фондининг семинар раҳбари, адвокат Игорь Муратидис ва журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилиқ марказининг ижрочи директори Гулнора Бобоновавлар бошқрош бўлдилар.

Сиёсатшунос Михаил Ельшов бошчилигидаги Ўзбекистон сиёсий партиялари вакиллари билан «Жамиятни демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўзига хос ҳудудий ва муниципал фаолияти» мавзусига бағишланган семинар давра суҳбати ҳам нҳоятда қизиқarli бўлди. Қизгин бахслар, фикрлар хилма-хиллиги негизда ўтган бу давра суҳбати семинар иштирокчиларининг сайловлар ҳақидаги тушунчаларига бир қатор аниқликлар киритди.

Семинарда хорижий мамлакатларда сайловларнинг ўтказилиши ҳақидаги теле-намуналар намоиш этилди ва бу семинар иштирокчиларининг қизгин бахсларига сабаб бўлди.

Уч кунлик семинар нҳоятда жонли, ижобий тажрибаларга бой, қизиқarli ўтди ва иштирокчиларга республикамизда ўтказила- жак эркин демократик сайловларга тайёргарлик қилиш, уни ўтказиш учун аниқ-равшан йўл-йўриқ ва кенг қамровли тушунчалар берди.

Ваҳобжон
ТОЖИМАТОВ,
«Адолат»нинг маъмури
муҳбири.



Мустақиллик меҳнаткаш, изланувчан, фидойи халқимизга қўл яхши нарсаларини берди. Эндикда бунинг ҳар биримиз теварак-атрофи- миздаги кескин ўзгаришлардан тўла хис этиб туришимиз. Ишга туширилган қўшма қорхоналар ва бошқа муҳим ишхоналар мамлакатимиз мустақиллигини мустақамла- шга, халқимиз фаровонли- гини оширишга хизмат қил- моқда. Бошқачасига айтган- да юртимиз шўхратига шўх- рат қўшапти. Шунга монанд мустақиллигимиз бонис-ву- жудга келган Ўзбекистон- нинг янги паспорти ҳам фу- қароларнинг фахри-ифтихори- га айланган.

Сўрагиде: Бекобод тумани Ички ишлар бўлими паспорт бўлимининг бошлиғи милли- яни майори Икром Рузиев Бобур номи жамоа ҳужайи- гига яшовчи бир гуруҳ фу- қароларга янги паспорт топ- ширмоқда.

Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

Партия ахбороти

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлди. Пленум ишида шаҳар, туман партия Кенгашларининг биринчи қотиблари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари ва жойларда- ги бошланғич партия ташкилотларининг фаолла- ри иштирок этдилар.

Пленумда ташкилий маса- ла қўрилди. Жиззах вилояти партия Кенгашининг биринчи қотиби Уринбой Қўлошев ўз аризасига биноан вазифа- дан озод этилди. Сиёсий Кенгаш тақлифига қўра унинг урнига Жиззах вилояти каса- ба уюшмалари Кенгаши раи- си бўлиб ишлаб келатган Қудратилла Рафқов Пленум- да бир овоздан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилояти Кенгашининг биринчи қотиби этиб сайланди.

Пленум ишида иштирок эт- ган Ўзбекистон «Адолат» со- циал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккин- чи қотиби, Олий Мажлис де- путати Абдулвали Гуломмаҳ- мудов кейинги пайтда Жиззах вилоятида барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар бўлаёт- ганини таъкидлаш билан бир- га, жамиятимизни демократ- лаштиришда муҳим сиёсий роль уйнаётган партияларни- нг фаолиятига тўхталиб ўтди. Нотик шунингдек, Ўзбекистон

«Адолат» социал-демократик партиясининг бугунги кунда олиб бораётган ишлари, пар- тия Дастури ва Низоми ҳам- да гоя ва вазифалари тўғри- сида йиғилганларга ахборот берди. Келгусида вилоятда партия ишлари жонланishiга, сафлар кенгайishiга ишонч билдирди. Хусусан бўлажак сайловлар кўппартиявийлик асосида утишини, уларда партия аъзоларининг янада фаолроқ иштирок этишига даъват этди.

Пленум ишида Жиззах ви- лояти ҳокими уринбосари Олимжон Жавлонов, Ўзбеки- стон «Адолат» социал-демок- ратик партияси Сиёсий Кен- гаши қотиби, «Адолат» газе- таси Бош муҳаррири Тўхта- мурод Тошев иштирок этди- лар.

Мурод ХАЛИЛОВ.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ


Ўзбекистон «Адолат» со- циал-демократик партияси Қашқадарь вилоят Кенгаши- нинг навбатдаги йиғилиши бў- либ ўтди. Унда бир қатор ма- салалар муҳокама этилди. Вилоят партия Кенгаши аъ- золари Косон тумани партия Кенгашининг биринчи қотиби Маҳмуд Қобиллов сайланди.

Мажлисида сўз олган Ўз- бекистон «Адолат» социал-де- мократик партияси Қашқа- дарь вилоят Кенгашининг ик- кинчи қотиби Зокир Раҳимов шаҳар ва туман партия Кен- гашларининг бўлажак сайлов- ларга тайёргарлиги ва гал- даги вазифалар ҳусусида йи- гишли иштирокчиларига ах- борот берди.

Йиғилиш якунида муҳока- ма этилган масалалар юза- сидан тегишли вазифалар белгиланди.

Комил САХАТОВ,
«Адолат»нинг
ўз муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН:



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июнь кун Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Бош ва- зирининг уринбосари Цян Цичени қабул қилди.

Қабул чоғида икки томонлама ҳамкорлик ривожини учун қўлай имкониятлар яратилгани қайд этилди. Шунингдек келажакда икки томон учун манфаатли ҳамкорлик алоқалари яратилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июнь кун «Зулфия номидаги давлат мукофоти» таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб- қувватлаш тўғрисида» Фармон қабул қилди.



Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгаши»ни тузиш тўғрисида» фармойиш қабул қилди. Унда Тошкент ислом университетининг фаолиятини тақомиллаштириш, юртимиз- даги ва хориждаги диний ташкилотлар, тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, замонавий филь- ловчи ҳамда диний илмга эга мутахассислар тайёрлаш, университет, Ислам тадқиқотлар маркази, академик лицей фаолияти сиёсатини шакллантиришда тавсиялар бериш мақ- сад қилиб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасида Тошкент ислом уни- верситети Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирынинг уринбоса- ри, Тошкент ислом университетини ректори Х. Карома- тов олиб борди.

Йиғилишда Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вази- фалари муҳокама этилди.

Буюк рус шоири Александр Сергеевич Пушкин тавал- лудининг 200 йиллиги Россия ҳамда бошқа кўпгина мам- лакатларда, жумладан, республикамизда ҳам кенг нишон- ланди.

Шоир туғилган кун арафасида Тошкентдаги Республика Байналмилал маданият марказида юбилей кечаси бўлиб ўтди.

Пушкин туғилган кун — 6 июнда шоирнинг мамлақати- миз пойтахтидаги ҳайкали пойига гуллар қўйилди.



◆ Индонезияда умумий парламент сайлови бўлиб ўтди. Мазкур тадбир сўнгги 40 йилдан ортироқ вақт мобайнида ўшбу мамлакатда ўтказилган биринчи демократик сайлов- лиги билан аҳамиятлидир.

◆ Финляндия Президенти Мартти Ахтисарий Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин билан учра- шиш учун Пекинга учиб кетди.

◆ Халқаро тинчлик ўрнатувчи қўчлар Косовода камида тўрт йил туриши мумкин. ГФР мудофаа вазири Рудольф Шарпинг ана шундай баёнот берди.



Токио манзаралари.

◆ Сайловларда ғалабага эришган Исроилнинг ян- ги Бош вазири Егуд Барак орадан ўч ҳафта ўтган бўлсада коалицион ҳукуматни шакллантиришни да- вом этиряпти.

◆ Туркиянинг Истанбул шаҳрида Грузия ва Абхазия вакилларининг музоқаралари бошланди.

◆ Хиндистоннинг Карнатака штатида йўловчи ав- тобус ҳалокатга учраши натижасида 50 киши ҳаётдан қўз юмди.

◆ Чехия ташқи ишлар вазирлигининг делегацияси икки кунлик амалий ташриф билан Тбилисга келди.

◆ Хитойда транспорт ҳалокати тўғайли ҳар йили 200 минг киши ҳаётдан қўз юммоқда.

◆ Хитойнинг «Биринчи автовазод» автомобил-қурилиш бирлашмаси АҚШдаги «Форд» компанияси билан ҳамкор- лида «Хунци» маркази автомобилнинг янги моделини иш- лаб чиқариш устида иш олиб бормоқда.

◆ 2000 — йили бўладиган футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш мусобақаларида доирасида Франция ва Россия терма жамоалари учрашуви бў- либ ўтди.

◆ Францияда теннис бўйича эркаклар ўртасида «Ролан Гаррос-99» соврини учун ўтказилаётган финал уйинлари нҳоясига етди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди залидан

ЖИНОЯТ БОРКИ, ЖАЗО МУҚАРРАР

Бир неча ҳафтадан бери Республика Олий судида ш йилнинг 16 февраль кунини Тошкентда мамлакат президенти ва республиканинг Конституциявий ту- зумига таъовуз қилини, қўрувчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликларини учун айбланган 22 нафар кишига нисбатан оқил суд маж- лиси давом этипти. 9 июнь кунини суд далилларини тек- шириниш тавонлади. Тарафлар музоқараларга тайёр- ланиш қўришлари учун ш йилнинг 16 июнига қадар танаффуз эълон қилинди.

9 июнь кунини суд маж- лисида ҳуқуқшунослик амалиётида камдан кам учрайдиган ҳол юз берди. Айбланувчилардан бири Қозим Зокиров судга айнан

мана шундай баёнот бер- ди: «Мен ўзимни жиноятчи деб биламан. Ҳаммаглардан кечирим сўрайман. Узимдан ўзим ҳазар қила- ман. Оқловчим мендан ха- фа бўлмасин!»

Бу нима, кечиккан виж- дон азобими, чин дилдан қилинган тавба-тазарру- ми?..

Судда кўргазма берган баъзи гувоҳларнинг сўзла- рини эшитсангиз, этингиз жимирлаб кетади.

— 1997 йил 23 март ку- ни, — дейди гувоҳ У. Ри- заев, — акам Ризаев Олий жонининг уйига қиришиб онамни, акамни, кенноним- ни, иккита жиянимни отиб кетишди...

Кимлар ўзи, уша қўзи қонга тулган йиртқичлар? Минг афсуслар бўлсинки, қуриниши, жуссаси, қадди- камоли жиҳатидан сизу биз- нинг фарзандларимиздан асло фарқ қилмайдиган ўз- бек йигитлари...

Улар давлатимизни тағ- заминидан қўриши учун

юртимиздан йироқларда ҳарбий тайёргарликдан утиб келдилар. Ашаддий жангариликнинг унлаб усулларини ўрганиб қайтди- лар. Уларнинг асл мақсад- лари давлатимиз раҳбари- нинг ҳаётига таъовуз қи- лиш, ўшбу ҳудудда халфа- лик ислом давлати ўрнатиш эди.

Лекин бу гуруҳнинг қора ниятлари амалга ошмади. Энди эса юртбўзарлар суд залида бошини ҳам қилган- ча «Бизни кечиринглар» дея

мултираб утиришибди. Бироқ халқ уларни кечи- рармикан? Ака-укалари, яқинлари, қариндош- усулларини ўрганиб қайтди- лар. Уларнинг асл мақсад- лари давлатимиз раҳбари- нинг ҳаётига таъовуз қи- лиш, ўшбу ҳудудда халфа- лик ислом давлати ўрнатиш эди.

Бир ҳафтадан сўнг суд давом этади, ўзининг мантиқий ҳулосасини чи- қаради. Лекин бир нар- са шаксиз-шубҳасиз: жи- ноят борки, жазо муқар- рардир!



— Менинг хотиним машина рулида худди яшин бўлиб кетади!
— Нима, шунчалик тез ҳайдайдими?
— Йўқ, тез-тез узини даракта бориб уради.

Дарё тошиб ҳаммаёқни сув босган. Мозай бо-бо бечора кўнларни кутқармоқда. У анча-мунча кўнларни қайиққа солиб, энди эшакни қўлга олган эди, кўнлардан бири иккинчи эшакни олиб қолинг боши уз-ра кутарди.

— Қаерга кетаяпсан қари аҳмоқ, йўлни Швейцарияга сол, бўл-маса бошингдан айриласан, — деди ғазаб билан.

— Алло, бу кир ювиш жойими?
— Йўқ, бу саралаш корхонаси.
— Юлларни сараласизларми?
— Йўқ, сараланганларини ювмиз.

Байрам дастурхони. Даврада меҳмонлардан бири сўз олиб:

— Жаноблар, мана шу винони эркаклар учун ичамиз. Чунки аёллар эркакларсиз сувсиз жойдаги балиқдек гап, — деб қолди.

Шунда жаҳли чиққан 60 ёшлардаги аёл деди: — Бўлмаган гап. Мен бутун ҳаётим бўён эркакларсиз яшайман. Турмушим ёмон эмас, ҳаммаси яхши.

Халғи одам: — Биз янги, ҳозиргина сувдан тутиб олинган балиқ учун ичяпмиз, — деди лўқма ташлаб.

— Қизим, Алижонга турмушга чиқма. У оқсайди, бир кўзи қур, бу-нинг устига яхши гапиролмайди.

— Ойи, менга гузал йигит керакмас.

— Мен бошқа нарсани айтаяпман. Йигит бечора шундай ҳам ҳаётда эзилган, унга раҳминг келсин!

Врач эшигида шундай эълон осилгил: — Гул ва конфетларни ичмайман.

Чукчани олтин угирлашда айбалаб қамаб қўйишди. Суроқ пайтида бошқа бир чукча унга таржимонлик қилибди.

— Олтинни қаерга яширдиг? Агар жойини айтмасанг, отиб ташлайман, — деб дағдага қилибди офицер.

Отилишдан қўрқиб кетган чукча деди: — Уйимиздаги қайра-гочнинг тағига қумиб қўйганман.

— Нима деди? — су-рабди офицер.

— Отаманг отавер, ба-рибир айтмайман, деяр-ти, — деди таржимон чукча.

Куш бозорига бир ки-ши сотгани олиб келган қафасдаги тутисини уриб мактарди:

— Бу тутти инглиз, француз, испан тиллари-да гапиралади. Ашула ҳам айтди, рақсга ҳам тушади...

— Ола, — деди бир харидор, — нима тутин-гиз консерваторияни битирганми?

— Сендан сураб уқиймизми энди, — деб-ди тутти ғазаб билан. — Керак бўлса консервато-рияни ҳам битирганман.

Хужжатини қўрсат, — деб шангиллабди эгаси-га.

Қизги бағити

● Топқирлигинизни синаб кўринг ЧИСТОН-ТОПИШМОҚ

У нима, жимгина битирмас ишни,
Ҳар ишда жанг учун қайрайди тишни.
Қизикки, ҳар икки қулоғин шайлаб,
Бармоққа теккизсанг бошлар узишни!

Кўрдим бир ширину ажойиб санам,
Қизил, яшил қўйлақ эғнида кўркам.
Юз хўйла-найрангни ишга солганми,
Тор уйга беркиниб олибди қайдам!

● Газетамизнинг аввалги сонларида эълон қил-
линган чистон-топишмоқларнинг 5-ва 6-сига чу-
стлик Олимжон Ҳамидов тўғри жавоб йўллаган. 7-ва
8-топишмоқларга шофирконлик Дилрабо Тураева,
чустлик Олимжон Ҳамидов, Галлаорол тумани Сар-
бозор қишлоғида яшовчи Умида Зоирова, Нишон
тумани Гулистон қўчаси 3-йўнинг 1-хонадонига ис-
тикомат қилувчи Шохиста Тошевлар тўғри жавоб
йўллаганлар. Ҳақиқатдан ҳам 7-топишмоқнинг жа-
воби Супурги. 8-топишмоқнинг жавоби эса Шотут.
Қишлоқлик Мирқабар Қомиллов топишмоқнинг 7-сига
тўғри жавоб йўллаган. Жавоб йўллаган барча муш-
тариёларга миннатдорчилик билдирамиз. Юқорида
эълон қилинган топишмоқларнинг жавобларини ку-
тамыз. Топқирлигингизга балли, энг қўл балл тўпла-
ган муштариёларни йил охирида «Адолат»нинг
ажойиб совғаси кутади.

...айтмасам дилим қуяди

ЧИРОҚЛАРНИ СИНДИРАЁТГАН КИМ?

Шаҳар орасталиги унинг кўчаларидан бошланади, дейишадди. Дар-
воқе, ҳар кун неча минглаб кишиларнинг қадами тегадиган кўча-
ҳайвонларнинг саранжом-саранжаллиги шаҳар коммунал хўжалиги
ва бошқа хизмат идораларидан доимий ҳушёрликни, масъулиятни
талаб этади. Шунга қарамай...

«Самарқанднур» корхона раҳбарла-
рининг таъкидлашларича, шаҳар кўча-
ларини ёритиш учун 10500 та турли
электр чироқлари урнатиб чиқилган.
Аммо шу йилнинг тўрт ойи давомида
ёриткичларнинг 700 таси уриб синди-
рилган. Оқибатда корхонага 1 миллион
сумлик зивон етказилган. Ушлаб қўча-
ларнинг кечаси ёритилмай қолишини
айтмайсанми?

Хўш, чироқларни ким синдираётти?
Албатта уйиқароқ болалар-да! Лекин
уларнинг бу «хўзали» қимматга тушаёт-
ганидан ота-она, маҳалла-қўй наҳотки
беҳабар бўлишар? Ёшларни умум мул-
кини қадрлашга ўргатиш кимнинг ва-
зифаси?

Қисқаси, кўчалардаги чироқларни

уриб синдириш болалар учун оддий
эрмакка айланиб қолаётгани ташвиш-
ланарлидир. Қандай қилиб бўлмасин,
бу зарарқонандликнинг олдини олиш
керак.

Самарқанд шаҳар ички ишлар
бошқармаси шу мақсадда «Нур» опе-
рацияси деб аталган махсус тадбир
ўтказмоқда. Милициянинг участка но-
сирлари маҳалла фаоллари, мактаб-
лар мураббийлари билан ҳамкорлик-
да ёшлар ўртасида катта тарғибот
ишларини олиб боришмоқда. Бу тад-
бир узини қанчалик оқлаётганини э-
санда шаҳар кўчаларига қараб би-
лиш мумкин.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

● Футбол

● УТГАН ҳафта футбол икки го-
леодор қолдузи билан хайрлашди. Гер-
мания ва Франция терма командалари-
да бир неча бор ўз мухлисларини
шод қилган Юрген Клинсманн ҳамда
Жан-Пьер Пәненга аталган шоу-учра-
шулар барчакини дикҳат марказида
бўлди. Немис ҳужумчисининг хайра-
лашуви кечасида «Штутгарт» жамоаси
(Клинсманнинг дастлабки клуби) дунё
йўлдузларига қарши тўп сурди. Пәнен
эса машҳур Сен Дени стадионида —
60 минг томошабин кўз ўнгига ҳозир-
ги Франция терма командасига қарши
майдонга тушди. Жаҳон терма коман-
даси вакиллари жаҳон чемпионлари би-
лан тенгма-тенг беллашиб, 2:2 — ҳа-
қиқий дўстона ҳисоб қайд эттишди.

Жан-Пьер учрашув охирида Парато би-
лан яхшамас-яқмас чўкиб, гол ура ол-
мади. Агар бу ҳол ўн йиллар аввал рўй
берганида, мухлислар уни кечиримас-
ди. Аммо бутун Пәненнинг ҳар қандай
экротойлигини кўтариш мумкин эди.

● ЕВРО-2000 саралаш баҳслари
билан бир пайтда, бир қанча юрт фут-
болчилари ўртоқлик учрашувлари ўт-
казишди.

Премьер-лига термаси — Ямайка —
1:2, Бразилия — Голландия — 2:2.
Бельгия — Перу — 1:1, Шимолий
Корея — Бельгия — 1:2.

Европанинг бир қанча давлатлари-
да кубок соҳиблари аниқ бўлди.

Шотландия кубоги. Финал. «Глаз-
го Рейнджерс» — «Селтик» — 1:0.
Бельгия кубоги. Финал. «Льерс»
— «Стандарт» — 3:1.


Чехия кубоги. Финал. «Славия»
— «Слован» — 1:0.

Хорватия кубоги. Финал. «Осиек»
— «Цибалия» — 2:1.

Эстония кубоги. Финал. «Левадия»
— «Туллевик» — 3:2.

Белоруссия кубоги. Финал. «Бел-
шина» — «Славия» — 1:1 (пен — 4:2).

Арманистон кубоги. Финал. «Це-
мент» — «Широк» — 3:2.



— Э, йўлдошвой кўчиб кетяпсанми?
— Э, йўқ, шифохонага даволангани кетяпман.



ОДАМ ЙЎҚОЛСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

— Хурматли редакция,
менинг амаким мана саккиз
ойдири ки ишга кетганича
қайтиб келгани йўқ. Уни ки-
дириб бермаган жойимиз
қолмади. Амакимнинг хоти-
ни, фарзандлари йўқ. Агар
топишмаса нима қилишимиз
керак? Унга тегишли мол-
мулк, уй-жой нима бўлади?
Мансур ҚОДИРОВ,
Янгиёул шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси-
нинг фуқаролик кодекси 33-мод-
дасида таъкидланганча:
«Агар фуқаронинг қардшли-
ги ҳақида унинг яшаш жойида
бир йил давомида маълумот-
лар бўлмаса, манфаатдор шахс-
ларнинг аризасига мувофиқ
суд бу фуқарони бедарак йўқол-
ган деб топиши мумкин.

Йўқолган шахс тўғрисида
охирги маълумотлар олинган
кўнни аниқлаш мумкин бўлмаса,
бедарак йўқолган деб ҳисоблаш
муддатни йўқолган шахс тўғри-
сида охириги маълумотлар оли-
нган ойдан кейинги ойнинг би-
ринчи кўнидан, бу ойни белги-
лаш мумкин бўлмаган тақдирда
эса — кейинги йилнинг бири-
чи январидан бошланади.

«Фуқароларни бедарак йў-
қолган деб топиш оқибатла-
ри» деб номланган 34-мод-
дада эса шундай дейилади:
«Бедарак йўқолган деб то-
пилган фуқаронинг мол-мулкни
доимий суратда бошқариб ту-
риш зарур бўлса, бу мол-мулк
суднинг қарорига мувофиқ, ва-
сийлик ва ҳомийлик органи то-
монидан белгиланадиган ва уш-
бу орган билан тузилдиган
ишончли бошқарув тўғрисидаги
шартнома асосида иш олиб бо-
риладиган шахсга топширилади.

Ушбу мол-мулкдан бедарак
йўқолган шахс қонунга мувофиқ
боқилиш керак бўлган фуқаро-
ларга таъминот берилади. Ва
унинг солиқлар ва бошқа маж-
буриятлар бўйича қарзлари ту-
ланади.
Васийлик ва ҳомийлик орга-
ни йўқолган фуқаронинг қарда-
шли тўғрисида маълумот оли-
нган кўндан бошлаб бир йил ўт-
ганга қадар ҳам унинг мол-мулк-
ни муҳофаза қилувчи шахсини
белгилashi мумкин.
Шахсини бедарак йўқолган
деб топишнинг ушбу моддада
назарда тутилмаган оқибатлари
қонун билан белгиланади.

Жиноят ва жазо

БЕГУНОҚ ТЎКИЛГАН ҚОН

— ҳеч қачон қотилни тинч қўймайди

Игорь Попов жазо муддатини ўтаб қайтгач, одамларга ўхшаб
яшашига қўйилмади. Узи каби исқирт ва жирканч Вадим Яков-
левни топиб, биргаликда жиноят ботқоғига қараб калла ташла-
ди. У ҳеч қаерда ишлаймай, техникўрларча кун кечираётган ҳам-
тового билан бир бечора ҳайдовчинини ўлдириб, пули ва машина-
сини эгаллаб олмоқчи бўлди. Тўғри, у «ниятига етди». Лекин
қилмиши фож этилиб, жамоатчилик қаҳрига мубтало бўлди.

Воқеа аслида бундай бўлган
эди. Попов Сирғали туманидаги
Спутник мавзесида «Москвич-
412» машинасининг ҳайдовчиси
А. Турунов билан Чирчиқ шаҳри-
га олиб бориб қўйишга, бунинг
учун эса 800 сум «бензин пули»
беришга келишди. Бироқ манзил-
га етгач, қўтирлигини қилди.
Ҳайдовчига 500 сум бериб, қол-
ганини эртаси кун келиб олиши-
ни айтди.

Турунов шу 300 сум учун Чир-
чиққа бориб утирмасди. Лекин
Попов унинг навбатда курсата-
диган транспорт хизмати учун
яна пул ваъда қилганди. Шунинг
учун ҳам Турунов эртасига яна
Чирчиққа бориб, Поповга руба-
ру бўлди. Улар Амир Темур хўй-
бонига келишганида Попов
ҳайдовчинини қўтириб, ўзи тани-
ши Вадим Яковлевнинг уйига ки-
риб кетди. Яковлевнинг уйда
Ботир Рустамов ҳам бор эди.
Игорь уларга биргаликда бир
«Москвич» машинасида келган-
лигини айтиб, ҳайдовчинини ўлди-
риб, машинаси ва пулини олиш-
ни таклиф қилди. Ботир оқибати
фожеа билан тугайдиган бу қо-
тилликка қўшилишдан бош тор-
тибди. Аммо Яковлев кўнди. Улар
Рустамовни уйда қолдириб,
ҳайдовчининг машинасига ўти-
ришди. Сирғали туманидаги Ку-
рувчи мавзесида жойлашган бо-
зорчага келишганда тўхтаб, зах-
ри маргларига ароқ ичишди.
Кейин ҳайдовчига машинасини
эски Сирғалига қараб ҳайдашни
бўқоришди. Танишлари Фёдор
Рубцевнинг уйига кириб, уни ҳам
қотилликка шерик бўлишга так-
лиф қилишди. Аммо у ҳам Бо-
тир каби бу қалтис ишга қўнма-
ди.

Улар Восточная қуасидаги 8
ва 9-йўларнинг ўртасига келиш-
гач, машинани тўхташтириб-да,
режаларига қўра узлари олиб
келган шнур билан Туруновни буга
бошлашди. Жабрдийда уларга
қаршилиқ қилиб, машина эши-
гини очмоқчи бўлди. Бироқ По-

пов унинг қўлларидан маҳкам уш-
лаб қолди. Яковлев бугўшини да-
вом эттирди.

Нижоят улар Туруновнинг улга-
нига ишонч ҳосил қилишгач, мур-
дани орқа уриндиққа ётқизи-
б қўйишдида, машинани Чирчиқ
дарёси томон ҳайдашди. Лутфи-
роқ қўчасидаги 47-хўнар-техника
билан юрти яқинига келишгани-
да эса чўнтагидан 400 сум пули-
ни олиб, уни ариқча иргитишди.
12-автокўрхона яқинидан ўтаётган-
да асл мақсадларини рўйбга чи-
қаришди. Мурдани олиб, сувга
ташлашди. Шундан кейин икки қо-
тил хотиржам бўлиб, машинани
учириб ҳайдаб кетишди. Бироқ
Чирчиқ шаҳрига қираверишда ма-
шина йўл четигади ариқча тушиб
қолди. Иковлон ҳар қанча уриниш-
са ҳам чиқаришолмади. Ноилоҳ
йўловчи машинани ёрдам учун тўх-
татишди. Қарашса, машина ичи-
дан ДАН ходими тушиб келяпти.

— Машина кимники?
— Акамники.
— Қани, ҳужжатларини олинг-чи!
— Ҳужжатлари узида қолиб ке-
тибди!

ДАН ходими бир «КаМАЗ» ма-
шинасини тўхтабди, «Москвични»
тортириб чиқарди. Кейин ўз ма-
шинасида судраб ДАН постига
олиб бориб қўйди, деди:

— Энди машинанинг то ҳужжат-
ларини олиб келмагунларингча шу
ерда туради!

Тарвузлари қўтиқларидан туш-
ган қотиллар ноилоҳ уларига
қайтишди. Лекин Игорни «ўлжа»
ишқи тинч қўймади. У ДАН по-
стига бориб машина ичидан Туру-
новнинг ҳайдовчилик гувоҳнома-
сини олиб қайтди ва уни уйидаги
диван остига ташлаб қўйди.

Эртаси кун Яковлев ва Руста-
мов келишди. Улардан базму-
жамиди авж олдиришди.

Энди гапни марҳум Туруновнинг
турмуш ўртоғи Л. Туруновадан
эшитинг: У шундай дейди:

— Эрим «Москвич-412»-мизда
кира ишлагани чикиб кетиб кеч
қайтди. Мен нима гап деб сура-
сам у:

— Чирчиққа одам олудим. У
эртага ҳам келиб мени Сирғали-
га олиб бориб қўй, деди. Кейин-
ги кун кўндузи соат 15 ларда ма-
шинани яна миниб чиқиб кетди.
Лекин қайтмади. Тонг отгач, га-
ражимизга қарасам, эшиги қўл-
лоқлигича турибди. Хавотир ола
бошладим. Бироқ яна бир кун
кутдим. Аммо шунда ҳам келма-
ди. Кейин отам билан қилибди
Чирчиққа бордик. Суриштирсак,
машинамиз Бўстонлиқ ДАН по-
стида турганлигини айтишди. Бо-
риб, қўлимдаги иккинчи қалит би-
лан машинани очсам, унинг те-
хпаспорти уриндиқ остидан то-
пилди. «Москвич»ни ДАН ходи-
ми капитан У. Турусовни ўз ма-
шинасида судраб олиб келгани-
ни айтишди. Турусовни излаб
топдик. У кишининг айтишлари-
ча, ўша кун рулда бошқа одам
бўлган. Жиноят қидирув бўлими
ходимлари Турусов билан ма-
шинамизни ҳайдаб юрган киши-
ларни қидириб кетишди. Эртаси
кун эримнинг ўлдирилганини айти-
шди.

Ха, беғуноҳ тўкилган қон қо-
тилин тинч қўймайди. Қотиллар
хўшёр милицияни ходимлари томо-
нидан қўлга олинган эдилар.
Хайрият, дейсан киши уларнинг
ҳисбга олинганликларини эши-
тибди. Акс ҳолда у йиртқиран яна
қанчадан-қанча беғуноҳ одамлар-
нинг бошига етардилар.

Суд бўлмаганга бўлишма, деб
амалдаги қонунларимизга муво-
фиқ Игорь Попов ва Вадим Яков-
левларни улим жазосига ҳукм
этди. Шунингдек, жиноят содир
этилишини била туриб тегишли
жойга хабар бермаганликлари
учун Фёдор Губцов ва Ботир Ру-
стамов ҳам қилмишига яраша ҳа-
золарга мубтало бўлишди.

Шундай қилиб, нурдан зулмат-
ни, ҳалолликдан ҳаромни, озод-
ликдан қамқон афзал қурувчи,
жиноят қилмаса қўнгли жойига
тушмайдиган қотиллардан жа-
мият халос бўлди.

Жиноятчи-қотилларнинг жони-
га ҳеч ким ачинмайди. Ажаб бўп-
ти, ҳуб бўпти, қутулганимизга шу-
қр, дейсиз. Аммо уларнинг қўли-
да жон таслим қилган Туруновчи-
чи? Унинг оила аъзоларини-чи?
Шуларни уларқансан киши беҳи-
тиёр: — Эй одамлар! Хаммаша ҳа-
қиқий инсон бўлиб, инсондек
яшанг! Орамизда битта ҳам жи-
ноятчи унсур бўлмасин, деб бонг
уринг келаси.

Мурод КАЛОНХОНОВ,
«Адолат» мухбири.

БОШҚОТИРМА

Энига: 7. Тинчлик рамзи бўлган пар-
ранда. 8. Хисоб билиш бўлими. 9. Аза-
лий урф-одатлар муносабати билан ўтқа-
зиладиган йигин. 11. Шарқ амалии санъа-
ти ва меъморчилигида қўлланиладиган на-
қш тури. 12. Жаҳонга танилган эстон ха-
лқ рассоми. 13. Қўй ўлчови бирлиги. 14.
Эронда пул бирлиги. 15. Жаҳон қамчи-
ли бўлишга сазовор бўлган кубалик шох-
мотчи. 19. Хоразмлик ўрта аср аллома-
си, тилшунос, ҳикматлар муаллифи. 22.
Барги шифобахш, дуккаклик жануб ўсим-
лиги. 23. Халқ оғзаки иқодида, одатда
тўй гап-гаштакларда айтиладиган ашула.
24. Жониворларни тутиш билан шуғул-
ланадиган киши. 25. Ҳарбий, офицерлик уно-
ни. 27. Эстон халқ ўзувчиси. 29. Таниқли
тожик хонандаси, мўғтоз ва лирик қў-
шиқлар ижроси. 30. Пойтахтимизда бун-
ёд этилган дастлабки футбол иншооти.
Бўйига: 1. Ўзбек шаоир ва драматур-
ги, мусиқага одиб маколлар муаллифи.
2. Ўзбекистон жанубидаги қончилар шаҳ-
ри. 3. Яхна, миллий таом. 4. Халқ сўзининг
қўнча атамаларидан бири. 5. Қишлоқ ҳу-
жалигида ишлатиладиган азот қислотаси-
нинг тузи ҳисобланувчи ашё. 6. Жаҳоннинг
энг йирик санъат музейларидан бири. 10.
Эрон давлати ҳудудини ишғол этган тари-
хий вилоят. 11. Мисрининг маълумий мар-
кази ҳисобланувчи Урта денгиз соҳилида-
ги бандаргоҳ шаҳар. 16. Дурдодорлик ас-
боби. 17. Радиоактивлик ҳодисасига оид
таълимот асосчиларидан бири, француз
физик олими. 18. Гарбий ярим шар маркази-
даги давлат пойтахти. 19. Ўзбекистон халқ
артисти, эстрада санъатининг бошловчилар-
идан бири, устоз хонанда. 20. Муҳлиқ-
монлар оиласига мансуб қамб, йирик йи-
ртқич. 21. Шойи газлама тури. 26. Абдулла
Қаҳҳор хикоси. 28. Урта денгизнинг шар-
қий қисмидаги оролга номдош мамлакат.

Фозилжон ОРИПОВ.

БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

(«Адолат» газетаси 1999
йил 7 май № 16)

Диагональ бўйича: 1. Кана-
рейка. 2. Камалат. 3. Шоко-
лад. 4. Котангенс. 5. Танга.
6. Сонет. 7. Таннарх. 8. Аф-
кура. 9. Трамвай. 10. Архи-
мед. 11. Умарбеков. 12. Фи-
лателия. 13. Сахалин. 14. Эр-
так. 15. Катет. 16. Телефон.

МУАММОНОМА: Очқич. 1.
Шашка. 2. Седана. 3. Балиқ.
4. Гор.

ХИКМАТ: Оқил кишининг
қалбини сирлар хазинаси деб
билгин.



(14 ИЮНДАН 20
ИЮНГАЧА)

● КҮЙ — Ишлаш
учун яхши шароит-
лар жума кўнчига
давом этади. Ойлада фар-
зандларингиз ҳамда се-
вакли кишингиз билан
муаммолар юзгага келиши
мумкин.

● БУЗОҚ —
Купина муаммо-
лар, аиниқса, уй-
жой, қўчмас мулк
масалалари, унинг олди-
сотида, алмасув қабилар
ўз ечимини топади. Фар-
зандларингизга нисбатан
диққат-этиборингизни ку-
чайтирсангиз, қўнғилсиз-
ликларни четлаб ўтасиз.

● ЭГИЗАКЛАР —
Ушбу кўнларда
аввалги хизматла-
рингиз натижалари
ридан унумли фойдалана
олсангиз, уйлаган режа-
ларингиз